Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 123 (9109). ● 1987 йил 30 июнь ● сешанба ● Баҳоси 3 тийин.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

29 июнь куни Москвада, Катта Кремль саройида ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси ўз ишини бошлади. Эрталаб соат 10 да СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг биринчи қўшма мажлиси очилди.

(ТАСС).

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИТТИФОҚ СОВЕТИ ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШЛАРИНИНГ МАЖЛИСИ

29 июнь куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети оқсоқоллар кенгашларининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлисда ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг кун тартиби ва иш тартибига доир масалалар муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский, Иттифоқ Советининг раиси Л. Н. Толкунов ва Миллатлар Советининг раиси А. Э. Восс ушбу масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари П. Н. Демичев ва СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. Н. Ментешашвили қатнашдилар.

(ТАСС).

# ҚАТЪИЙ ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИ

## ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ

Мамлакатда авж олиб кетган қайта қуриш Октябрь ишининг бевосита давомидир. Ленин таълимотига содиқ совет халқи жамият турмушининг барча соҳаларини янгилаш жараёнига актив қўшилди. Меҳнаткашлар Ватанимиз тақдири, келажаги учун бутун масъулият кўламини англаган ҳолда, партиянинг қайта қуриш, жадаллаштириш, етилган проблемаларни ҳеч кечиктирмай ҳал қилиш, турғунлик ва консерватизмни кескин бартараф этиш йўлини қатъий қўллаб-қувватламоқдалар.

Мамлакатда вужудга келган ошкоралик, рўй-ростлик, демократияни кенг ривожлантириш вазияти янги, чинакам революцион қайта ўзгартишлар учун кенг уфқлар очиб, ҳар бир совет кишисининг жамият ҳаётининг муҳим проблемаларини ҳал этишдаги гражданлик позициясини янада равшан ёритиб берди.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми меҳнаткашларнинг олға ҳаракатига, меҳнат ва ижтимоий активлигига қудратли омил бахш этди. Пленум қабул қилган қарорлар, ғоялар ва принциплар 29 июнь куни Катта Кремль саройида ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессиясига тўпланган халқ номзодларининг диққат марказида бўлди. Ана шу қарорлар, ғоялар ва принциплар асосида экономикамизни бошқаришни қайта қуриш мўлжалланмоқда.

Сессия соат 10 да Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси билан очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, Г. П. Разумовский, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Сессиянинг кун тартиби ва иш тартиби бир овоздан тасдиқланади. Муҳокамага қуйидаги масалалар қўйилди:

1. СССР Олий Совети Президиуми составидаги ўзгаришлар тўғрисида.

2. Мамлакатни иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш ҳақида.

3. Давлат ҳаётидаги муҳим масалаларнинг умумхалқ муҳокамаси ҳақидаги СССР қонуни лойиҳаси тўғрисида.

4. Мансабдор шахсларнинг гражданлар ҳуқуқларини камситувчи қонунга хилоф ҳаракатлари тўғрисида судга шикоят қилиш тартиби ҳақидаги СССР қонуни лойиҳаси тўғрисида.

5. СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш ҳақида.

Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари депутат **Е. К. Лигачевга** сўз берилади. У партия Марказий Комитети билан палаталарнинг оқсоқоллар кенгашлари топширувига биноан ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг составига киритиладиган ўзгартишлар тўғрисидаги таклифларни ўртага ташлади.

Аввало, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари тўғрисида, деди у. Конституцияга мувофиқ СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўринбосарларининг состави иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раисларидан ташкил топиши сизларга маълум. Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов бошқа ишга ўтказилди. Унинг ўрнига Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланди.

Ўзбекистон партия ва совет органлари О. У. Салимовни ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари вазифасидан озод этиб, шу вазифага Р. Н. Нишоновни сайлашни таклиф қилмоқдалар.

Энди ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг аъзолари тўғрисида. Сизларга маълумки, ўртоқ Н. Н. Слюньков Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлган пайтида СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайланган эди. КПСС Марказий Комитетининг секретари этиб сайланганлиги муносабати билан Н. Н. Слюньков ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод этишни илтимос қилди.

Белоруссия партия ва совет органлари Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколовни СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси этиб сайлашни таклиф қилдилар.

Қозоғистон партия ва совет органлари Д. А. Кунаевни ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод этиб, бу вазифага Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбинни сайлашни таклиф қилмоқдалар.

Бошқирдистон область партия комитетининг собиқ биринчи секретари М. З. Шокировни ҳам ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод этиш таклиф қилинади.

Шу таклифларга мувофиқ ССР Иттифоқи Олий Советининг Президиуми составидаги ўзгартишлар тўғрисида қарорлар қабул қилинади.

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш тўғрисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. И. Рижков** доклад қилди.

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш тўғрисидаги масала юзасидан Миллатлар Совети план-бюджет комиссиясининг раиси **Н. И. Масленников** палаталарнинг доимий комиссиялари номидан қўшимча доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленумида М. С. Горбачев қилган докладда баён этилган ва шу Пленум томонидан маъқулланган бошқарувни тубдан ислоҳ қилиш принциплари, деди у, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми ҳамда партия XXVII съезди экономикада ва социал соҳада туб ўзгартишлар қилиш тўғрисида белгиланган режаларни амалга оширишни жадаллаштиришнинг жуда муҳим бўғинидир.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонун мамлакат экономикасини бошқариш яхлит системасини вужудга келтиришнинг асоси бўлиб қолиши керак, шу қонуннинг лойиҳаси сессия муҳокамасига тақдим этилган.

Қонун лойиҳасини синчиклаб таҳлил этиш, деди нотиқ, жамиятимиз олдида турган вазифаларга у мос бўлиб тушишини кўрсатди. Комиссиялар лойиҳани умуман маъқуллаш билан бирга унга баъзи бир аниқликларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Экономикамизни бошқаришнинг бошқа ҳамма органларини тубдан қайта қурмай туриб, қонунни муваффақиятли равишда рўёбга чиқариб бўлмайди, деди сўнгра нотиқ. Ҳозир

(Давоми 4-бетда).



Москва, Кремль, 1987 йил 29 июнь. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси. Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси. ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

# КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг

## КПСС Марказий Комитети Пленумида 1987 йил 26 июнда сўзлаган якунловчи нутқи

Ўртоқлар, биз Марказий Комитетимиз Пленумининг ишини тугаллаяпмиз. Бу Пленумни бутун партия, бутун мамлакат орзиқиб кутганини биласизлар ва бу нутқларда ҳақли равишда таъкидланди: биринчидан қайта қуришнинг ҳозирги босқичи кўпгина муаммоларни ўртага қўйди. Марказий Комитетнинг ушбу Пленуми бу муаммолар хусусидаги фикрни айтиши, сиёсий ва ташкилотчилик иши учун хулосалар чиқариши керак эди, иккинчидан эса, Пленум олдида мамлакатимиз экономикасини бошқаришни тубдан ислоҳ қилишнинг асосий қоидаларини, принципларини ишлаб чиқиш вазифаси турар эди.

Ўйлайманки, бизда Пленум коммунистларнинг, барча совет кишиларининг умидларини оқлади, деб айтиш учун тўла асос бор. Бунинг жуда катта аҳамияти шу билан белгиланади. Пленум қайта қуришимизни КПСС XXVII съезди белгилаб қўйган йўлдан анча олға силжитади, унинг зарурлигини ва уни амалга оширишга ёндашувнинг янги усулларини тушунишни чуқурлаштиради.

Пленумда экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш программаси қабул этилди. Бу программа қайта қуришни жадаллаштиришнинг қудратли ва таъсирчан воситасини яратади.

Бу программа ўтган икки йиллик амалий тажриба бизга нималар берганини, илмий тафаккур бизга нималар берганини, социализм қурилиши ўн йилликларининг сабоқлари нималар берганини ўзига сингдириб олган. Кейинги йилларда биз экономикага янгича ёндашувларни синаш мақсадида ўтказган экспериментлар программа учун негиз бўлди. Хуллас, қабул этилган ҳужжатларда коллектив фикр, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида шу масала юзасидан биз умумлаштира олган ҳамма нарсалар ифодалаб берилди.

Пленум ўтган муҳит ҳақида алоҳида гапирмоқ керак. Бу муҳит апрель Пленумидан ва КПСС XXVII съездидан кейин партияда вужудга келаётган янги вазият янада ривожланаётганини ифодалайди, қайта қуришнинг боришига, унинг муваффақиятлари ва ютуқларига сергак баҳо берилганлиги билан, иш чуқур таҳлил этилганлиги, камчиликлар танқид қилинганлиги, етилган муаммолар эркин, ишчан муҳокама қилинганлиги билан характерланади. Мана шу фазилатларнинг ҳаммаси ушбу Пленум ишига хос бўлди ва биз ҳаммамиз, Марказий Комитет аъзолари жуда ҳақли равишда мамнун бўла оламиз.

Қайта қуриш жараёни ўзининг ҳамма ютуқларига қарамай, ҳозирча суст бораётганлиги докладда ва нутқларда таъкидланди. Биз вазиятни танқидий баҳолаб, шу тариқа ўз имкониятларимизни сафарбар этаяпмиз, ижтимоий турмушимизнинг ҳамма соҳаларида эса бундай имкониятлар оз эмас.

Бу ерда янграган танқид ва ўз-ўзини танқид —ишларнинг ҳолатидан оқилона қаноатланмаслик ифодаси ва кучимизнинг кўрсаткичидир. Большевикча танқиднинг асосий белгиси — унинг аниқ равшанлиги, ишчанлиги ва амалийлигидир. Саноатимизда ҳам, экономиканинг қишлоқ хўжалиги каби мураккаб секторида ҳам ютуқларимиз борлигини тўла асос билан айта оламиз. Бироқ, одамларнинг онгида, кейинги вақтларда мамлакатда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятни англашда айниқса катта ютуққа эришилди.

Ҳозирги мамлакатимиз — тез ўзгариб бораётган жамиятдир. Энди у бошқача кайфиятлар ва бошқача умидлар ҳукм сураётган жамиятдир. Жамият янгиланмоқда, фикр қулф уриб ишлай бошлади, амалий ҳаракатлар эса тобора активлашиб, янада каттароқ яққол натижалар бермоқда.

Пленум қайта қуришнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказаяпти, дейиш мумкин. Биз қайта қуриш ғоясини 1985 йил апрелида ўртага ташлаган эдик, XXVII съезд, Марказий Комитетнинг январь Пленуми ҳужжатларида ишлаб чиққан эдик. Аммо ишнинг назарий жиҳати нақадар муҳим бўлмасин, асосий нарса бунинг ўзи эмас. Бу галги Пленумнинг сиёсий аҳамияти шундан иборатки, у қайта қуриш ғояларини амалий изга кўчиради. Ҳал қилувчи ижтимоий соҳада — халқ турмушининг энг чуқур илдизларига дахлдор бўлган иқтисодий соҳада шундай қилади.

Яна бир марта айтмоқчиманки, Пленум қарорлари, у қабул этган ҳужжатлар бизнинг жадаллаштиришга, қайта қуришга қаратилган стратегик йўлимизни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан анча чуқурлаштиради. Бу ҳужжатлар экономикани қайта қуриш учун принципиал йўл-йўриқлар беради. Амалий тажриба ҳам ҳали кўпгина янгиликларни келтириб чиқаради, албатта. Ҳаёт қайта қуриш тўғрисидаги тасаввурларни чуқурлаштиради. Бизнинг олдимизда янги муаммолар, бир талай мураккаб ишлар турибди. Гарчи хатолар имкони борича камроқ бўладиган тарзда ишлашимиз ва ҳаракат қилишимиз керак бўлса-да, ҳар ҳолда хатолар қилмасликдан истисно эмасмиз.

Шундай бўлса-да, хато қилишдан қўрқиш — энг катта хато эканига ишончим комил.

Башарти, бирон-бир кимса ҳозирги босқичнинг мураккаб ишларидан чўчиб, кабинетларда қўрқоқлик қилиб ўтирса, ҳаёт эшик ва деразаларни тобора қаттиқроқ қоқиб келаётганига жавоб бермаса, мана шунинг ўзи энг катта хато бўлади.

Биз етилган муаммолардан бўйин товламасликни, масалаларни тўплаб ўтирмасликни қоида қилиб олдик, бусиз ҳам масалалар ҳаддан ташқари кўп тўпланиб қолган, Хато қилишдан қўрқиш айниқса ҳалокатлидир: бу нарса иродани фалаж қилиб қўяди, жамиятни ўзгартириш соҳасидаги куч-ғайратларга тўсқинлик қилади.

Ҳозир биз, башарти экономика ҳақида гапириладиган бўлса, ўзига хос ўтиш даврини бошдан кечираяпмиз. Биз ҳамма корхона ва бирлашмаларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказишимиз, планлаштиришни нарх белгилаш системасини тубдан ислоҳ қилишга тайёргарлик кўришимиз ва уларни амалга оширишимиз, материал-техника таъминотини, молия ва кредитни, бошқарувнинг ташкилий структураларини қайта қуришимиз керак.

Мана шуларнинг ҳаммаси пухта ўйлаб, жиддий ишлашни талаб қилади. Айни вақтда ҳеч ким бизни ўн иккинчи беш йиллик вазифаларини ҳал этишдан, ўзимиз беш йиллик планда ўртага қўйган мақсадларга эришишдан ҳалос этмайди.

Мамлакатимиздаги мана шу мураккаб ўтиш чўзилиб кетмаслиги учун биз мана шу масъулиятли пайтда ҳам қатъият билан, ҳам ўйлаб, ҳам самарали ҳаракат қилишимиз учун ҳамма шароитни яратиш керак, албатта.

Бу ўринда ҳамма иш муҳим, аммо биз миллион-миллион кишиларнинг иқтисодий манфаатларига дахлдор бўлган экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қила бошлаётганлигимиз — энг муҳим иш, деса бўлади. Такрор айтаман: энг муҳими, энг асосийси мана шу.

Шу сабабли биз барча амалий ишларда бу манфаатларни эътиборга олишимиз керак. Бундан — биз турли кайфиятлар ва тайёрга айёрлик манфаатлари думига эргашиб юришимиз мумкин, деган маъно асло келиб чиқмайди.

Йўқ, ўртоқлар, биз эътиборга олишга мажбур бўлган ҳаққоний манфаатлар ҳақида гапираяпман, шу сабабли хўжалик юритишнинг янги механизмига ўтиш соҳасидаги ҳамма иш шу манфаатларни рўёбга чиқариш учун кўпроқ имконият бериши керак. Айни шу манфаатларни эътиборга олиш иқтисодий системамизга, бутун хўжалик ишимизга янги жўшқинлик бахш этадиган пружина бўлиб қолиши лозим.

Умуман, ҳозирги босқичдаги бутун ишни зўр масъулият билан ўтказиш керак. Бу партия бошчилик қилаётган, тажриба билан қуролланган назарий жиҳатдан билимдон ва ташкилий жиҳатдан жипслашган жамиятнинг қўлидан келадиган иш. Бугун биз шуни алоҳида куч билан таъкидлашимиз керак — ижтимоий тараққиётнинг бу босқичида, умуман қайта қуришда партиянинг роли айниқса муҳим.

КПССнинг зиммасига барча бўғинларда, ҳамма поғоналарда ислоҳотни амалий равишда рўёбга чиқаришдан иборат ғоят масъулиятли вазифа юклатилмоқда. Шу ҳақда гапирганда, бошланғич партия ташкилотларининг ролини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки биз ўйлаб қўйган режаларнинг ҳаммаси асосан ва унинг бутун мазмуни меҳнат коллективида, ишлаб чиқариш коллективида рўёбга чиқарилади. Экономикани бошқаришнинг барча органлари фаолияти аввало экономиканинг асосий бўғини муваффақиятли, самарали ишлаши учун шарт-шароит яратишга қаратилган бўлиши керак.

Ҳозир бошланғич партия ташкилоти айнан меҳнат коллективида ишлаётганлиги унинг ошиб бераётган ролини белгилаб турибди. КПСС Марказий Комитетидан тортиб, барча партия комитетлари шуни назарда тутишлари, ҳамда ўз ихтиёридаги жамики мавжуд воситалар билан янги шароитларда бошланғич ташкилотлар самарали ҳаракат қилишларига кўмаклашишлари керак. Бу гап партиявий ишнинг барча соҳаларига — сиёсий, ташкилотчилик, идеология ишига тааллуқлидир.

Мамлакат хўжалик кадрларининг катта корпуси олдида ҳам янги вазифалар турибди. Партия ислоҳотини амалга оширишда уларнинг ҳал қилувчи ҳисса қўшишларига умид қилади. Мамлакатнинг жуда катта кадрлар потенциали бор, модомики шундай экан, бу кадрларнинг экономикадаги ислоҳот муносабати билан ҳозирги ўзгартишларнинг янгилиги ва миқёсларини чуқурроқ англаб олишида, хўжалик юритишнинг янги принциплари асосида актив ишга киришишида, шу принципларни ҳамма жойда, хўжаликнинг барча бўғинларида жорий этишида уларга ёрдам бериш керак. Шундай ҳаракат қилиш керакки, қайта қуришга, ислоҳотга тарафдор бўлган, ўзининг бутун кучи, тажрибасини унга сарфлашга, бу ишга жонини фидо қилишга интилаётган барча кишилар партия органлари томонидан актив қўллаб-қувватланиши ва эътиборга сазовор бўлиши лозим.

Булар эса одамларнинг асосий кўпчилигидир. Бугина эмас — башарти бизда кадрларнинг асосий бўғинида, бунда мен корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозларнинг раҳбарларини назарда тутаман, тартибсизликдек иллат бартараф қилинмас экан, ислоҳот жуда қийинчилик билан боради. Шу сабабли яна бир бор такрорлаб ўтмоқчиман: сиёсий жиҳатдан қайта қуриш тарафида бўлган ва заруp билимдонликка эга бўлган барча кадрлар қўллаб-қувватланиши керак. Ишда уларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам бериш лозим,

Ўртоқлар, Пленумда ўн учинчи беш йиллик экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичи бўлади, деб тўғри айтилди. Айни ўша пайтгача планлаштиришни, нарх-наво белгилашни ва молия-кредит механизмини ислоҳ қилиш ниҳоясига етказилади, ишлаб чиқариш воситаларини улгуржи савдо қилишга ўтиш асосан амалга ошириб бўлинади. Шу тадбирлар натижасида бошқаришнинг мунтазам системаси жорий этилади.

Аммо бунинг учун ўн учинчи беш йилликнинг ўзи ҳам ҳозирги даврни, янги тасаввурларни ва экономикада рўй бераётган жараёнларни чуқурроқ англашни эътиборга олиб тузилиши керак. Шу муносабат билан Марказий Комитетнинг Пленумларидан бирида ўн учинчи беш йилликнинг сиёсий концепциясини, унинг стратегик моҳиятини муҳокама қилиш зарурати бор.

Биз партиянинг навбатдаги, XIX конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилдик. Бу конференция партия ва мамлакат турмушидаги жуда катта сиёсий воқеа бўлади. Биз коммунистлар учун у аслида турмушимизнинг асосий масаласи — қайта қуриш соҳасидаги сиёсий имтиҳонга айланади.

Экономика соҳасидаги, бошқа жабҳалардаги бутун амалий ишимиз шу тарзда олиб борилиши керакки, биз бу имтиҳондан муносиб ўтайлик ва конференцияга яхши амалий тажриба, реал натижалар билан борайлик, келажак учун сабоқлар чиқариб олайлик.

Ўртоқлар! Бизнинг иқтисодий ишимиз, халқ хўжалигидаги қайта қуриш миллион-миллион меҳнаткашлар оммасини ўзига жалб этган тақдирдагина муваффақиятли бўлиб чиқиши мумкин. Шу сабабли мамлакатимизда бошқарувни тубдан қайта қуриш йўли аслида ишлаб чиқариш соҳасидагина эмас, шу билан бирга бутун ижтимоий турмушни ҳам янада демократиялаш йўли билан бирлашиб кетади. Экономиканинг тараққиётини социалистик демократизмнинг ривожланишидан ажратиб бўлмайди.

Тез орада сизлар ўз жойларингизга, республикалар, ўлкалар, областларга, шаҳар ва районларга, корхоналарга жўнаб кетасизлар, энди Марказий Комитет аъзолари, Пленум барча қатнашчилари олдида қабул этилган қарорлардан келиб чиқадиган ғоят муҳим вазифалар амалий тарзда кўндаланг бўлади.

Пленумнинг йўл-йўриқлари, ғоялари аввало коммунистларнинг, энг кенг халқ қатламларининг онгига етказилиши керак. Пленум белгилаб берган узоқ муддатли вазифаларни биз кундалик вазифаларни ҳал этиш билан, аввало Марказий Комитетнинг шу Пленумида Сиёсий бюронинг докладида ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этиш билан моҳирона боғлаб олиб борилиши жуда муҳимдир.

Мана шу — ҳозирги энг муҳим иш, деб ўйлайман. Қайта қуриш авж олиб бораётганини, чуқурлашаётганини ва турмушнинг барча соҳаларида, аввало меҳнаткашларнинг кундалик, энг зарур эҳтиёжларини қондиришга реал самаралар бера бошлаганини одамлар аниқ-равшан ҳис этишлари керак.

Ўртоқлар, Марказий Комитет Пленуми қабул этган қарорларни бажариш соҳасида самарали ишлашларингизни тилашга ижозат бергайсизлар.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ

# МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ТЎҒРИСИДА

## *КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. И. РИЖКОВ доклади*

Халқ хўжалигини бошқаришни тубдан қайта қуриш, деди Н. И. Рижков, бу партия XXVII съезди ишлаб чиққан мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларини сифат жиҳатидан янгилашга қаратилган стратегик йўлни амалга оширишда ҳал қилувчи вазифадир. Бошқаришни қайта қуришнинг сиёсий йўлини ишлаб чиқишда, хўжалик механизмини тубдан ислоҳ қилишни назарий жиҳатдан янгилашда, аниқ-равшан ҳаракат программасини белгилаб беришда КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми ғоят муҳим роль ўйнади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Пленумдаги докладида жамиятимизда бугун юз бераётган жараёнлар марксча-ленинча таҳлил қилиб берилди, иқтисодий ва социал ўзгартишларни жадаллаштиришнинг, социализм имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишнинг зарурлиги яққол ва аниқ-равшан кўрсатиб берилди. Бошқаришнинг яхлит системасини барпо этишнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий негизларини белгилаш юзасидан жуда катта ишларга якун ясалди. Пленумнинг чуқур мазмуни, унинг хулосалари ва қоидаларининг моҳияти — мамлакат халқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шарти бўлган бошқарувни демократиялашни ҳар томонлама асослаб беришдан иборат бўлди.

Эндиликда ҳар бир меҳнатчи олдига, бутун совет халқи олдига қайта қуриш назариясини социалистик қурилиш практикасида мужассамлаштиришдек олижаноб мақсад қўйилди.

### I. Бошқарувнинг яхлит системасини вужудга келтириш — партия иқтисодий стратегиясини амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти

Марксизм-ленинизм назарияси, социалистик қурилишнинг бутун тажрибаси социал-иқтисодий тараққиётга эришиш учун ишлаб чиқаришнинг объектив шароитларига, ишлаб чиқарувчи кучларнинг эришилган даражасига мос келадиган халқ хўжалигига раҳбарликнинг пухта ва самарали системасига эга бўлиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги система бундай талабларга мос келмай қолди. Бошқаришнинг амалдаги форма ва методлари асосан 30-йилларда таркиб топган бўлиб, Совет давлати ўша даврда ҳал этган халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўзига хос шароитлари ва вазифаларига мувофиқ равишда пайдо бўлган эди. Кейинчалик экономикада катта силжишлар бўлганига қарамай, бошқариш системасини ўзгартириш юзасидан туб чоралар кўрилмади. Бу система бизнинг олға томон ҳаракатимизга тўсқинлик қила бошлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейин экономиканинг ўнлаб йиллар давомида ҳал қилинмай келган жуда кўп энг ўткир ва мураккаб проблемалари юзасидан катта тадбирлар режали асосда амалга ошириш бошланди. Структура-инвестиция ва фан-техника сиёсатининг янги принциплари ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этила бошлади. Жорий ва истиқбол планлари социал соҳани ривожлантиришга кўпроқ қаратилди.

Халқ хўжалиги олдида турган вазифаларнинг мураккаблиги ва янгилиги, унинг катта кўламлари ҳар томонлама иқтисодий экспериментлар ўтказишни тақозо этди. Бу экспериментлар корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш учун реал асос бўлиб хизмат қилди, зарур тажриба тўплашга, қайта қуришнинг бундан буёнги программасини ҳар томонлама мушоҳада қилишга, корхоналар фаолиятининг иқтисодий ва ҳуқуқий негизларини ишлаб чиқиш учун пухта базани таъминлашга ҳамда давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида СССР қонуни лойиҳасини тайёрлашга, халқ хўжалигини бошқаришнинг яхлит системасини вужудга келтириш билан яқиндан шуғулланишга имкон берди.

Ўтмишнинг тажрибаси қисман ўзгартишлар киритиш билан хўжалик юритиш механизмини жиддий равишда яхшилашга эришиш мумкин эмаслигига ишонтиради. Туб, комплекс ислоҳот зарур. Ана шундагина биз бошқариш системасини сифат жиҳатдан янгилашга умид қила оламиз, ана шундагина биз уни чинакам яхлит ва самарали системага айлантира оламиз. Халқ хўжалигига раҳбарлик системаси социализмнинг афзалликларидан, унга объектив жиҳатдан хос бўлган планлиликдан тўла даражада фойдаланиши, тараққиётнинг асосий бунёдкор кучи бўлган инсон омилини ҳар томонлама активлаштиришга асосланиши керак.

Бошқаришни такомиллаштириш аввало демократик централизм ленинча принципларини тиклаш ва ижодий ривожлантириш билан боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Ўтмишда демократик централизм принципларининг бузилиши ундаги икки асоснинг узвий боғлиқлигини, уларнинг бирлигини амалда ажратиб қўйди. Аслини олганда, демократик централизмнинг остида қолиб кетди. Қайта қуриш жараёнида ана шу бирликни тиклаш лозим. Партиямиз бошқарувнинг сифат жиҳатидан янги яхлит системасини вужудга келтиришга демократик централизмни айни ана шундай чинакам ленинча позициядан туриб тушунган ҳолда ёндашди, деб таъкидлади нотиқ. Яхлит системанинг энг характерли белгилари нималардан иборат?

Биринчидан, бу шахсий ва коллектив манфаатларни умумхалқ манфаатлари билан узвий боғлаб олиб боришдан, ижтимоий ишлаб чиқариш барча қатнашчилари ҳаракатларининг бирлигига эришишдан иборат. Меҳнатчи — корхона — жамият манфаатларининг бир-бирига боғлиқлиги социалистик мулкка муносабатни амалга оширишда янада юқори поғонага кўтарилишга, барча меҳнат коллективларининг, ҳамма совет кишиларининг халқ бойлигини кўпайтиришдан манфаатдорлигини оширишга имкон беради.

Иккинчидан, корхона, унинг самарали ишлаши учун, тўла хўжалик ҳисобини ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашни жорий этиш учун энг қулай иқтисодий шароит яратиш бошқарув яхлит системасининг асосий вазифаси қилиб қўйилади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун, социал тараққиёт учун ва моддий рағбатлантириш учун маблағларни ишлаб топиш керак, деган принцип меҳнат коллективларида мажбурий кучга эга бўлади.

Учинчидан, бошқаришнинг яхлит системаси хўжалик юритиш механизмининг энг муҳим элементлари, яъни планлаштириш, иқтисодий рағбатлантириш, ташкилий структуралар яқиндан баҳамжиҳат ҳаракат қилишини амалда таъминлаши керак. Улар комплекс ҳолдагина ва марказлаштирилган ҳамда демократик асослар тўғри қўшиб олиб борилган тақдирдагина бир-бирини тўлдириб, бир-бири билан келишган ҳолда самарали, аниқ-пухта ҳаракат қила олади.

Тўртинчидан, бошқаришнинг янги системаси тармоқ билан территориянинг ўзаро узвий боғлиқлигини кўзда тутади, ишлаб чиқариш ва социал вазифаларни ҳал этишда, инфраструктурани ривожлантиришда, табиий муҳитни муҳофаза қилишда уларнинг манфаатларини бирлаштиради.

Бешинчидан, бошқаришнинг яхлит системаси принциплари ҳамма даражада — корхонадан тортиб министрликкача, марказий иқтисодий органлар ва ҳукуматгача бошқариш ҳар бир звеносининг ҳуқуқлари ва масъулиятини аниқ чегаралаб, улар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни пухта ташкил этган ҳолда амалга оширилади. Ҳамма босқичда устун даражадаги буйруқ бериш — маъмуриятчилик методларидан бошқаришнинг устун даражадаги иқтисодий методларига ўтишни амалга ошириш зарур. Шундай қилиб, ходимларнинг, меҳнат коллективларининг манфаатларига таъсир қилишнинг чинакам демократик йўли қарор топади.

Ниҳоят, яхлит система такрорий қайта ишлаб чиқаришнинг интенсив турига мўлжалланган бўлиб, унинг ҳам ички, ҳам ташқи объектив шарт-шароитларининг ўзгаришини сезгирлик билан ҳисобга оладиган структурасини шакллантиради.

### II. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида СССР Қонуни — экономикани бошқаришни қайта қуришнинг негизи

Бошқариш системасида амалга ошириш мўлжалланган ўзгаришлар аввало, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий бўғини бўлган корхонада ўтказилади. Халқ бойлиги айни шу ерда яратилади ва кўпайтирилади, иқтисодий ва социал вазифаларнинг ҳал этилиши таъминланади. Айни давлат корхоналарида меҳнаткашлар социализм берган меҳнат қилиш ҳуқуқидан фойдаланадилар, ўз ижодий қобилиятларини намоён эта оладилар.

Бундай қонун лойиҳаси мамлакатимизда биринчи марта ишлаб чиқилди. Бу жуда муҳим социал-иқтисодий аҳамиятга молик ҳужжатдир. Бу бутун хўжаликни бошқаришни ўзгартиришга пойдевор қўйиб, ана шу ўзгаришларни бошлаб беради.

Қонун лойиҳасининг асосий ғояси шундан иборатки, меҳнат коллективлари фаолиятининг янги хўжалик механизми корхоналарни ўзларининг асосий вазифаларини — халқ хўжалиги ва аҳолининг зарур маҳсулотга эҳтиёжларини бутун чоралар билан қондириш, бундай маҳсулотларни кам харажат билан ишлаб чиқариш вазифасини бажаришга туртки берадиган ишлаб чиқариш ва социал шароитларини ҳамда уларнинг ривожланиш омилларини яратиши керак. СССР Қонунининг мантиқи ва моҳияти мана шундан иборат.

Айни ана шундай позициядан туриб корхоналарни бошқариш моҳиятига, форма ва методларига туб ўзгартишлар киритилган. Қонун лойиҳаси коллектив ҳаётига олиб кирадиган барча янгиликлар, коллективнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини таъминлайдиган бутун омиллар системаси хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи бошқариш ленинча принципларини изчил қарор топтириш билан узвий боғлиқдир. Бундан буён корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва социал ривожланиши фаолият натижаларига, меҳнат коллективи ишлаб топган маблағларга бевосита, қаттиқ боғлиқ бўлиб, одамлар ташаббускорлигини ривожлантиришга қудратли туртки бўлади.

Янги иқтисодий категория — хўжалик ҳисоби даромади практикага жорий этилмоқда. Бундай даромад меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш, ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фонди ҳамда социал ривожланиш фондининг асосий манбаи бўлади. Бу эса фойда ёки даромадни кўпайтиришга интилиш амалда меҳнат коллективларини ҳақиқатан ҳам хўжаликни тежаб-тергаб юргизишга, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга, барча ресурслардан авайлаб фойдаланишга ундаши керак.

Тўла хўжалик ҳисоби — ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина меҳнат коллективларининг реал турмушига айланиб қолди. Шу йил бошидан бери учта машинасозлик министрлигининг корхоналари, Енгил саноат министрлиги, шунингдек Нефть химияси саноати министрлиги, Денгиз флоти министрлиги ва бошқа бир қанча тармоқларнинг корхоналари янгича шароитда ишламоқда.

Хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш коллективларнинг ўз иш якунлари учун масъулиятини кескин ошира бориб, корхоналар фаолиятини планлаштиришда туб ўзгартишларни амалга оширишни назарда тутади. Давр бу жараённи анча демократиялаштиришни, унда меҳнат коллективлари актив қатнашишини тақозо этади. Меҳнат коллективлари эндиликда ўз иқтисодий ва социал ривожланиш беш йиллик планларини ва улар асосида йиллиқ планларни мустақил ишлаб чиқибгина қолмай, айни вақтда уларни ўзлари тасдиқлаши принципиал жиҳатдан янги воқеа бўлди.

Жамият манфаатлари, бу жараёнга давлат таъсири иқтисодий методлар билан, контрол рақамлар, давлат буюртмалари, узоқ муддатли барқарор нормативлар ва лимитлар орқали таъминланиши зарур. Бу эса корхоналарнинг хўжалик мустақиллигини кучайтиради ва айни вақтда уларни халқ хўжалиги соҳасида ўз олдиларига қўйган мақсадга сафарбар этади.

Н. И. Рижков планлаштиришнинг мана шу воситаларидан ҳар бирининг ролини таърифлаб, янги шароитда корхоналар ишга жиддий киришишларига, бозорни чинакам ўрганишларига, мунтазам юксак техникавий даражани ва ўз маҳсулоти сифатининг яхши бўлишини таъминлаб, истеъмолчиларга манзур бўлишларига тўғри келади, деди. Шундай қилинмаса, улар ўз ишлаб чиқариш ва социал ривожланиш, меҳнатга ҳақ тўлаш учун зарур бўлган маблағни ишлаб топа олмайдилар.

Хўжалик шартномалари буни план тузишдаги энг муҳим восита қилиб қўймоқда, чунки ана шу шартномаларда истеъмолчининг маҳсулот состави, сифати ва уни етказиб бериш муддатига бўлган барча талаблари намоён бўлади. Ўзаро мажбуриятларни аниқ-пухта бажариш, бевосита алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳалол шерикчилик, иборали қилиб айтганда, янги шароитда меҳнат коллективларининг шон-шараф кодексига айланади.

Янги шароитда корхона фан-техника тараққиётига таянмай туриб, муваффақиятли ишлай олмайди — унинг маҳсулотини истеъмолчи қабул қилмайди. Ҳар бир коллектив янгиликларни энг кўп даражада қабул қилишини уни фан ва техника ютуқларидан фойдаланишдан астойдил манфаатдор бўлишини таъминлаш аслида қайта қуришнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Докладчи фан-техника тараққиётига ва мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилаётган камчиликларга тўхталиб, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, шубҳасиз, ана шу салбий ҳолатларга қатъиян тўсиқ қўяди, деди. Корхона тўғрисидаги Қонун лойиҳасида корхонанинг муваффақиятли ишлаши учун барча зарур ҳуқуқлар берилиши кўзда тутилади. Бироқ корхонанинг ўз мажбуриятларини бажармай туриб, меҳнаткашларнинг, жамият ва давлатнинг манфаатларига риоя этилиши учун ўзига ишониб топширилган социалистик мулк олдидаги мажбурияти, масъулиятига риоя этмай туриб, ҳуқуқлари бўлиши мумкин эмас. Қонун лойиҳасида мана шу ҳақда ҳам аниқ-равшан айтилган.

Давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини чуқур қайта қуриш меҳнат коллективлари турмушига кўпгина принципиал янги жиҳатларни олиб киради. Маълумки, давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти яқин вақтларгача марказий идораларнинг бутунлай алоҳида имтиёзли ҳуқуқи бўлиб келган эди. Эндиликда корхоналар мана шу соҳага киритилди, коллективларни қизиқтирувчи ва чет эллик шериклар билан алоқаларни ривожлантириш учун масъулият мезонини белгиловчи омиллар системаси ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда 70 тадан кўпроқ корхона бевосита ташқи бозорга чиқиш ва ўзида ташқи савдо фирмалари ташкил этиш ҳуқуқини олди.

Қонун лойиҳаси социал ривожланишда ҳам корхоналар мустақиллиги чегарасини анча кенгайтиради. Маълумки, илгари айтиб ўтилганидек, бундай мустақиллик корхонанинг ўз иш натижаларига бевосита боғлиқ қилиб қўйилмоқда. Бу билан меҳнат коллективига фақат ишлаб чиқариш бўлинмаси, деб муносабатда бўлишга барҳам берилмоқда. Меҳнат коллективи жамиятнинг социал сиёсат конкрет рўёбга чиқариладиган ғоят муҳим қисмига айланмоқда. Бундан буён корхона ишлаб топган маблағлари ҳисобига уй-жой, болалар муассасалари, клублар, дам олиш уйлари, профилакторийларни мустақил равишда қуради ва улардан фойдаланади. Хотин-қизларнинг меҳнати ва турмуши учун қулай шароитлар яратиш, уруш ва меҳнат ветеранлари, пенсионерлар, инвалидлар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, мактаблар ишига актив ёрдам бериш корхоналарнинг бевосита мажбуриятига айланмоқда.

Корхоналар фаолиятидаги барча ўзгаришлар демократияни кенг ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, социалистик ўзини-ўзи бошқарув принципини изчил ривожлантиришга таяниши Қонун лойиҳасининг энг муҳим ва принципиал аҳамиятини белгилайди. СССР Олий Совети муҳокамасига киритилган Қонун лойиҳасида ўзини-ўзи бошқарувнинг уч жиҳати чамбарчас боғлиқ деб тушунилади. Биринчидан, коллективларнинг барча қарорларини қабул қилиш ва амалга оширишда актив иштирок этиши кўзда тутилади. Иккинчидан, бригадирдан тортиб бош директоргача раҳбарларнинг сайлаб қўйилиши тасдиқланади ва учинчидан, корхоналарни бошқаришда демократик негизда якка бошчилик сақланиб қолади ва мустаҳкамланади.

Корхоналарда меҳнат коллективларининг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ифодаловчи кенгашлар тузилади. Бундай кенгашлар корхона турмушининг барча жиҳатларига фаол таъсир кўрсатиши учун катта ваколатларга эга бўлади. Шу тариқа, халқ ҳокимияти органларининг социалистик системаси ишлаб чиқариш соҳасидаги ғоят муҳим бўғин билан тўлдирилади. Кенгашлар ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина бирлашмалар ва корхоналарда муваффақиятли ишлаб турибди.

Қонун лойиҳасининг асосий қоидалари мана шундан иборат. Маълумки, Қонун лойиҳаси олдиндан умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ана шу катта сиёсий кампания давомида, деди докладчи, ишлаб чиқилган тадбирлар тўғрисида меҳнаткашлар, бутун жамоатчиликнинг манфаатдор ва холис фикри аниқланиб, уларнинг тўғрилигини текширишнинг яхши имконияти пайдо бўлди. Бугунги кунда совет кишилари Қонун лойиҳасини маъқуллаб кутиб олдилар, унинг принципларини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар, деб тўла асос билан айтиш мумкин.

Муҳокама чинакам ошкоралик, рўй-рост танқид руҳида ўтди ва умуман қайта қуришнинг новаторлик руҳига мос бўлди. Муҳокамада ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар, олимлар, аҳолининг барча табақалари қатнашди.

Муҳокама жараёнида 140 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳаза билдирилди. Бу таклиф ва мулоҳазаларнинг ҳаммаси диққат билан ўрганилиб, пухта ишлаб чиқилди. Совет кишилари Қонун лойиҳасини тўла-тўкис маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, айни вақтда ўз мактубларида ва нутқларида, оғзаки билдирилган фикр-мулоҳазаларида корхоналарга бериб қўйилган ҳуқуқлар ўтмишда неча бор содир бўлганидек, амалда бузилмаслиги учун, бундай ҳуқуқлар таъминланиши учун мустаҳкам юридик гарантия берилиши зарурлигини айтдилар. Кўпчилик фикрини ҳисобга олиб, лойиҳага қўшимча равишда «Корхоналар (бирлашмалар) ҳуқуқларига риоя этилиши гарантияси тўғрисида»ги модда киритилди. Унда давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг барча органлари Қонун қоидаларига қатъий риоя этилиши учун жавобгар эканликлари таъкидланади.

Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунни Олий Советнинг ушбу сессияси қабул қилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Қонун кўп минглаб коллективлар турмушининг ҳуқуқий негизи ва нормаси бўлиб қолади. Қонун, шубҳасиз, совет кишиларининг меҳнат активлигини янада ошириб юборади, чунки унинг ҳар бир сатри халқ учун ғоят муҳим бўлган проблемаларни ҳал этишга, жамиятимизнинг социал ва иқтисодий ривожланишини бутун чоралар билан жадаллаштиришга қаратилган.

### III. Тармоқ бошқарувини сифат жиҳатидан янги даражага кўтарайлик

Экономикадаги барча ўзгаришлар бошқарув бўғинлари ва энг аввало, тармоқ органлари — министрликлар ва идоралар бўғинлари бутун комплексини қамраб олган тақдирдагина тўла ҳажмда рўёбга чиқарилиши мумкин. Бу халқ хўжалигига раҳбарликнинг яхлит системасини ишлаб чиқиш ва унинг самарали амал қилишининг принципиал шартларидан биридир.

Докладчи тармоқ министрликларини ишини батафсил таҳлил этиб, тармоқ бошқарувини қайта қуриш зарурлиги тўғрисидаги хулосани асослаб берди. Министрликларнинг роли, уларнинг вазифаси ва ўрни корхоналарнинг ҳуқуқлари ҳамда масъулиятини кенгайтириш билан узвий боғлиқ ҳолда бўлиши барча ўзгартишларнинг асосий йўналиши, негизидир, деди у. Министрликлар эндиликда корхоналар билан муносабатда бутунлай иқтисодий таъсир воситаларига таянишлари зарур.

Корхоналарга раҳбарлик қилишнинг эскирган, қолоқ ташкилий структурасини дадил ўзгартириш йўли билангина тармоқ бошқарувида иқтисодий методлардан, янги хўжалик механизмидан самарали фойдаланиш мумкинлигини тажриба, практика кўрсатиб турибди.

Партия кенг кўламда маҳсулотни қайта ишлаб чиқариш ва социал ривожланиш вазифаларини мустақил бажараоладиган йирик бирлашмалар тузиш йўлини белгилаб, берди. Бош ташкилотларнинг имконияти техникавий даражани умуман оширишнинг негизи бўлиб қолаётганлиги учунгина муҳим бўлиб қолмай, йирик бирлашмаларгина тармоқ ва завод илм-фанини ишлаб чиқариш билан боғлашга, уларнинг узвий бирлигини таъминлашга, илм-фандан реал самара олишга қодир эканлиги учун ҳам муҳимдир. Шу мақсадда ишлаб чиқариш ва илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини, шунингдек тармоқлараро бирлашмаларни савдо-саноат, лойиҳа-саноат-қурилиш агросаноат ва бошқа бирлашмаларни ривожлантириш зарур.

Ишлаб чиқаришни янада яхлитлаштириш, хўжалик ҳисоби муносабатлари соҳасини кенгайтириш ва чуқурлаштириш янги, янада сафарбар этувчи, ихчам ва айни вақтда йирик ташкилий структураларни қидириб топишни талаб этаётганлигини мамлакатимиз ва чет эл тажрибаси кўрсатмоқда. Корхона тўғрисидаги қонун лойиҳасида ана шундай янги формалардан бири белгилаб берилган. Бу — давлат ишлаб чиқариш бирлашмаларидир. Бундай бирлашмаларнинг состави, уларни ташкил этиш формалари ҳозирги вақтда ишлаб турган одатдаги бирлашмалардан принципиал фарқ қилади. Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаларига мустақил корхоналар, бирлашмалар, институтлар, транспорт, маиший хизмат ташкилотлари, ўқув ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар кириши мумкин. Уларнинг ҳаммаси ягона хўжалик комплекси тариқасида ишлашлари керак. Айни вақтда давлат ишлаб чиқариш бирлашмалари составига кирувчи корхоналар ўзларининг хўжалик ҳисоби мустақиллигини сақлаб қолишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Йирик корхоналарни ташкил қилиш масалалари ҳар бир ҳолатда реал вазият ва конкрет вазифаларни ҳисобга олган ҳолда алоҳида-алоҳида ҳал этилиши керак. Ҳамма ерда ва ҳамма ишда ҳам катта корхоналар керак бўлавермайди. Унча катта бўлмаган корхоналар ҳам мустақиллик ҳуқуқига эга. Шу корхоналар самарали ишлагани, омилкор бўлгани, техника билан юксак даражада жиҳозлангани тақдирдагина мустақил бўлиши мумкин.

Тармоқ бошқарувини такомиллаштириш ундаги кўп поғоналиликни қисқартириш демакдир. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Ўзини оқламаган оралиқ бўғинлари — Бутуниттифоқ саноат бирлашмалари тугатилмоқда. Аммо ишни давом эттираверииш керак. Ишлаб чиқариш концентрацияси даражасига қараб министрлик ва идораларнинг ҳозирги кунда кичик тармоқларга раҳбарлик қилаётган бош бошқармаларини аста-секин тугатиш йўлини ўтказиш керак. Бошқача қилиб айтганда, тармоқ бошқармаларини қоида тарзида икки бўғинли системага ўтказиш зарур.

Саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш проблемаларига алоҳида тўхталиб ўтиш даркор. Уларнинг айримларига ҳозирги кунда иттифоқ, республика министрликлари раҳбарлик қилмоқда. Тажриба шуни кўрсатдики, бошқарувнинг бундай схемаси ўзини оқламаяпти, энергетика ва электрлаштириш, кўмир саноати, қора ва рангли металлургия, геология, нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрликлари каби иттифоқ — республика министрликларини уларнинг халқ хўжалиги комплексидаги ролини ҳисобга олиб умумиттифоқ министрлигига айлантириш тўғрисида таклиф киритилмоқда.

Айни вақтда бевосита аҳолига хизмат кўрсатувчи ва регион инфраструктурасини ривожлантириш, социал масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришга раҳбарликни одатда республика ва маҳаллий органлар амалга ошириши керак, деган принципга асосланиш зарур. Бир турдаги ва технология жиҳатидан бир-бирига боғлиқ корхоналарга эга бўлган бир қанча министрликлар ва идораларни йириклаштириш тўғрисидаги таклифлар ҳам диққатга лойиқдир. Бу таклифларни ўйлаб чиқиб, ҳар томонлама асосланган қарорлар қабул қилиш керак.

Министрликларнинг куч-ғайратларини тармоқни ривожлантириш истиқболларини белгилашга, халқ хўжалиги ва аҳолининг юксак сифатли маҳсулотга талабини қондиришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратиш зарур, деб таъкидлади докладчи. Тармоқ бошқарув органлари корхона тўғрисидаги қонунга қатъий амал қилиб, меҳнат коллективларининг ташаббуслари ва омилкорлигига бутун чоралар билан кўмаклашишлари керак, албатта. Янги шароитда улар зиммасига иқтисодий нормативларни асосли тарзда белгилаш учун алоҳида масъулият юкланади. Тармоқларни бошқаришнинг ташкилий структурасини қайта қуриш ва вазифаларини ўзгартириш учун жуда қисқа муддат берилган — бутун ишни 1987—1988 йилларда ўтказиш зарур.

Министрлик ва идораларнинг марказий аппаратларида ҳам жиддий ўзгартишларни амалга ошириш керак. Уларнинг кўплаб майда бўлинмаларини йириклаштириш ёки тугатиш, марказий аппарат тузилишининг кўпроқ функционал принципларига, уни анча қисқартириш йўлига қатъий ўтиш зарур. Министрликлар ва идоралар коллегиялари роли кучайтирилиши ва оширилиши керак. Айни бир вақтда демократик негизда тармоқлар кенгашларини тузиш мўлжалланган. Бу кенгашларда етакчи корхоналарнинг директорлари, илғор ишчилар, катта олим ва мутахассислар кенг иштирок этадилар. Бу эса демократизмни бошқарув сифатини ошириш имконини беради.

Тармоқлар марказий аппарати иш услуби ва методларини тубдан ўзгартириш талаб қилинади. Министрликларда кўпгина истеъдодли ишлаб чиқариш ташкилотчилари, билимдон мутахассислар сон-саноқсиз қоғозларга кўмилиб кетиб, бюрократизм муҳити уларни ўз домига тортиб кетаётганлиги, бу ерда билим ва тажриба кўпинча бефойда бўлиб қолаётганлиги сир эмас. Бошқарувда иқтисодий методлар устун турадиган янги шароитда тармоққа раҳбарлик қилишга ташаббускор, ижодкор ходимларни жалб қилиш учун маънавий ва моддий имкониятлар яратилади.

### IV. Хўжалик юритишнинг янги шароитида территориал бошқарув

Хўжалик механизми ислоҳоти шароитида, деб сўзини давом эттирди нотиқ, масъулият ошади, бу масъулиятни иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, маҳаллий ҳокимият органлари территориянинг ҳақиқий хўжайинлари сифатида ўз зиммаларига олишлари керак. Улар ўз регионларида хўжаликни ривожлантириш учун барча зарур ваколатларга эга бўлишлари даркор.

Энг аввало иттифоқдош ва автоном республикаларни, ўлка ва областларни иқтисодий ва социал ривожлантиришни планлаштиришда принципиал ўзгартишлар белгиланган. Планлар комплекс характерга эга бўлиши, қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар, ўз территорияларида жойлашган барча бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларни қамраб олиши лозимлиги бу соҳадаги янгиликдир.

Маҳаллий бюджет янгичасига тузилади. Региондаги барча корхоналар кимга бўйсунишидан қатъий назар, энди маҳаллий бюджетга меҳнат ва табиат ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашга, шунингдек ўз фойдасининг маълум қисмини маҳаллий бюджетга ажратишга мажбурдир. Бу — социал адолатнинг объектив талабидир, чунки барча меҳнат коллективлари ўзлари яшаб, меҳнат қилаётган регионларнинг иқтисодий ва социал муҳити билан чамбарчас боғлиқдир. Ана шу иқтисодий негизга таянувчи бундай молиявий муносабатлар хўжаликни самарали юритишнинг таъсирчан омилига айланади.

Маҳаллий органлар регионни ривожлантириш манфаатлари йўлида ўз ҳуқуқларини амалда тўла-тўкис рўёбга чиқаришлари керак. Меҳнат коллективларининг фаолиятига маъмурий йўл билан аралашувга уринишларга чек қўйиш, уларнинг ресурсларини ўзбошимчалик билан тасарруф этиш одатларидан қутилиш зарур. Айни бир вақтда корхоналар, бирлашмалар ва иттифоқ министрликлари территориал органларга социал-маиший ҳамда ишлаб чиқариш инфраструктурасини комплекс ривожлантиришда амалий ёрдам беришлари, умумий хўжалик вазифаларини ҳал этишда актив қатнашишлари керак. Аммо буларнинг ҳаммасини янги шароитда иқтисодий, шартномавий негизларга қатъий амал қилган ҳолда бажариш керак.

Территориал бошқарув проблемалари комплексида социал ривожланиш муаммосига асосий диққат-эътибор қаратилиши лозим. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш умуман аста-секин яхшиланиб бормоқда, мамлакатда

(Давоми 3-бетда).

(Доклад қисқартириб босилмоқда).

